

**ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚАРО ИСЛОМ АКАДЕМИЯСИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc 35/30.12.2019.Isl/Tar/F.57.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ
ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚАРО ИСЛОМ АКАДЕМИЯСИ**

ПРИМОВ СОАТМУРОТ УРАЛОВИЧ

**АБУ ШАКУР КЕШИЙ “ТАМҲИД” АСАРИНИНГ МОТУРИДИЯ
ТАЪЛИМОТИ РИВОЖИДА ТУТГАН ЎРНИ**

24.00.01 – Ислом тарихи ва манбашунослиги

**ИСЛОМШУНОСЛИК ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ – 2021

**Исломшунослик фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Content of dissertation abstract of the Doctor of Philosophy (PhD) on Islamic
sciences**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)
по исламоведческим наукам**

Примов Соатмурот Уралович

Абу Шакур Кеший “Тамҳид” асарининг мотуридия таълимоти ривожда
тутган ўрни..... 3

Primov Soatmurot Uralovich

The role of the work "Tamhid" by Abu Shakur Keshiy in the development of
doctrine of Moturidia..... 23

Примов Соатмурот Уралович

Роль произведения “Тамхид” Абу Шакура Кеший в развитии учения
Матуриди..... 41

Эълон қилинган ишлар рўйхати

List of published works
Список опубликованных работ..... 45

**ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚАРО ИСЛОМ АКАДЕМИЯСИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc 35/30.12.2019.Isl/Tar/F.57.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ
ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚАРО ИСЛОМ АКАДЕМИЯСИ**

ПРИМОВ СОАТМУРОТ УРАЛОВИЧ

**АБУ ШАКУР КЕШИЙ “ТАМҲИД” АСАРИНИНГ МОТУРИДИЯ
ТАЪЛИМОТИ РИВОЖИДА ТУТГАН ЎРНИ**

24.00.01 – Ислом тарихи ва манбашунослиги

**ИСЛОМШУНОСЛИК ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ – 2021

Исломунослик фаълари буйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамаси ҳузурндаги Олий аттестация комиссиясида В2020.2.PhD/IsI35 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Ўзбекистон халқаро ислом академиясида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, инглиз, рус (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасининг www.iiu.uz ҳамда "ZiyoNet" ахборот-таълим портали www.ziyounet.uz манзилларига жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Оқилов Саидмухтор Сайдақбарович
тарих фаълари номзоди, доцент

Расмий оппонентлар:

Мухамедов Незматулло Асатуллаевич
тарих фаълари доктори (DSc), доцент

Зиёдов Шовосил Юнусович
тарих фаълари номзоди, доцент

Ўтакчи ташкилот:

Ўзбекистон Республикаси Фаъллар
академияси Абу Райхон Беруний номидаги
Шарқшунослик институти

Диссертация ҳимояси Ўзбекистон халқаро ислом академияси ҳузурндаги илмий даражалар берувчи DSc 35/30.12.2021 IsI/Tar.57.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2021 йил «Ф» ноябр соат 10:00 даги БИММ платформасидаги онлайн/офлайн мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100011, Тошкент шаҳри, А.Қодирий кўчаси, 11-уй. Тел.: (99871) 2440056; факс: (99871) 2440065; e-mail: info@iiu.uz)

Диссертация билан Ўзбекистон халқаро ислом академиясининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин. (81 рақам билан рўйхатга олинган.) (Манзил: 100011, Тошкент шаҳри, А.Қодирий кўчаси, 11-уй. Тел.: (99871) 2440056; факс: (99871) 2440065; e-mail: info@iiu.uz)

Диссертация автореферати 2021 йил «Ю» ноябр да тарқатилди.
(2021 йил «Е» ноябр даги 1 рақамли реестр баённомаси.)



Д.Р.Махсудов
Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш раиси, тарих фаълари
доктори (DSc), доцент

С.А.Рустамий
Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш илмий котиби, филология
фаълари доктори (DSc), доцент

З.М.Исломов
Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш қопидаги илмий семинар
раиси, филология фаълари
доктори, профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Мавзунинг долзарблиги ва зарурати. Жаҳонда глобаллашув жараёнларида диний-ақидавий масалалар долзарб бўлиб турган вақтда ёш авлодни адашган оқимларнинг турли ғоявий хуружларидан ҳимоя қилиш ва эътиқодий мавзулардаги ихтилофларни олдини олишда мотуридия таълимотига (المدرسة الماتريدية) оид манбалардаги мазмун-моҳиятни кенг жамоатчиликка етказиш муҳим аҳамият касб этмоқда. Бугунги кунда дунёдаги 2 миллиардга яқин мусулмонларнинг 90 фоизини ташкил этган аҳли сунна вал-жамоанинг 50 фоизини мотуридия таълимоти вакиллари ташкил этади. Ўрта Осиё халқларининг асосий ақида мазҳаби саналган мотуридия таълимотининг минг йилдан зиёд давр мобайнида турли оқим ва тоифаларга қарши ғоявий асос эканини очиб бериш зарурати яққол намён бўлмоқда. Бунда мотуридийлик ватани саналган Мовароуннаҳр алломаларининг илмий мероси муҳим ҳисобланади.

Дунёнинг кўплаб илмий-тадқиқот марказларида мотуридия таълимотининг пайдо бўлиши, унинг тарихи, ривожланиш босқичлари, фалсафий қарашлари, билиш назарияси, мусулмонлар ҳаётида тутган ўрнини ўрганиш билан боғлиқ тадқиқотлар амалга оширилмоқда. XI-XII асарларда мотуридия таълимоти ривожига катта ҳисса қўшган мутакаллим олимларнинг илмий меросини тадқиқ этишга ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда. Айнан мана шу даврда яшаб ижод қилган аллома Абу Шакур Кешийнинг “ат-Тамҳид фи баёни-т-тавҳид”¹ (- التمهيد في بيان التوحيد “Тавҳид баёни ҳақида қўлланма”) номли асарини ўрганиш Усманийлар давлати, Мовароуннаҳр ва Хуросон ўлкалари мадрасаларида ақоид фанидан дарслик сифатида ўқитилган ҳамда мотуридия таълимотини ривожига муҳим ўрин тутган манбани тадқиқ қилиш имконини беради.

Ўзбекистонда диний соҳада амалга оширилган ислохотлар натижасида ислом дини, хусусан, мотуридия таълимоти манбаларини ўрганишга доир чора-тадбирлар ва бу таълимотнинг мусулмонлар диний-ижтимоий ҳаётида тутган ўрнини кўрсатиш учун сўнгги йилларда кенг имкониятлар яратилди. Мотуридия таълимоти алломаларининг калом илми ривожига қўшган ҳиссасини чуқур тадқиқ этиш, ёш авлодни миллатлараро ва динлараро бағрикенглик, ўзаро ҳурмат, тинчлик-тотувлик каби ислом динининг асл қадриятлари руҳида тарбиялаш мақсадида “Имом Мотуридий халқаро илмий-тадқиқот маркази” ташкил этилди. Шу жиҳатдан мотуридия таълимоти намояндаларидан бири саналган Абу Шакур Кешийнинг “Тамҳид” номли асарини илмий муомалага киритиш ҳамда унинг мотуридия таълимоти ривожига муҳим манба эканини асослаб бериш долзарбдир.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги, 2018 йил 16 апрелдаги ПФ-5416 сон

¹ Бундан кейин: “Тамҳид” шаклида берилди.

“Диний-маърифий соҳа фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармонлари, 2017 йил 24 майдаги ПҚ-2995-сон “Қадимий ёзма манбаларни сақлаш, тадқиқ ва тарғиб қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ва 2020 йил 11 августдаги ПҚ-4802-сон “Имом Мотуридий халқаро илмий-тадқиқот марказини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорларида белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация иши муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялар ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Диссертация республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. “Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантиришда инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари” номли устувор йўналишига мувофиқ амалга оширилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Диний-ақидавий масалаларни ўз ичига олган мотуридия таълимотига доир манбаларни илмий тадқиқ қилишга Шарқ ва Ғарб тадқиқотчилари томонидан катта эътибор қаратиб келинмоқда. Абу Шакур Кешийнинг илмий фаолияти ва “Тамҳид” асари борасидаги манбалар ва адабиётларни қуйидаги 4 гуруҳга ажратиш мумкин:

биринчи гуруҳга Абу Шакур Кешийнинг шахсияти ва унинг “Тамҳид” асари ҳақида қисқача маълумотлар берилган асар ҳамда тадқиқотларни киритиш мумкин. Жумладан, А.Мўминов, К.Жиллот, Мухлис Абдуллоҳ, О.В.Маделунг, С.Кутлу, Ҳожи Халифа, Шайх Абдулазиз Мансур, Ю.Ш.Клаузнинг асарлари ва илмий ишларини алоҳида қайд этиш лозим. Улар ўз илмий тадқиқотларида Абу Шакур Кешийнинг V/XI асрнинг иккинчи ярмида яшаб ижод қилгани ва мотуридия таълимоти йўналишида “Тамҳид” асарини ёзгани тўғрисидаги умумий маълумотлар бериб ўтганлар²;

иккинчи гуруҳдан “Тамҳид” асарининг хорижий ва маҳаллий кутубхоналарда сақланаётган қўлёзма ҳамда тошбосма нусхалари ҳақида маълумотлар тақдим қилган манбашунос олимларнинг тадқиқотлари ўрин олган. Жумладан, К.Броккельман, У.Рудольф, У.М.Килавуз, С.Оқилов тадқиқотларида асарнинг дунёдаги турли фондлар ва кутубхоналарда

² Муминов А. Роль и место ханафитских ‘уламā’ в жизни городов Центрального Мавераннахра (II-VII/VIII-XIII вв.): Дисс. ... докт. ист. наук. – Ташкент: ТИУ, 2003. – С. 59; Gilliot C. La théologie musulmane en Asie centrale et au Khorasan. Author. Reviewed work(s): – BRILL Source: Arabica, 2002. pp. 135-203; Мухлис Абдуллоҳ. Китоб ат-тамҳид фи баён ат-тавҳид // Мажаллату мажмаи-л-илмий ал-арабий. 22/1-2. – Дамашқ: Дору-л-машрик, 1947. – Б. 65-68; Madelung W. Abul Mu‘īn al-Nasafi and Ash‘ari Theology // Studies in Honour of Clifford Edmund Bosworth. Vol. II: The Sultan’s Turret: Studies in Persian and Turkish Culture / Edited by Carole Hillenbrand. – Leiden, Boston: Brill, 2000. – P. 319; Kutlu S. Timur dönemi ve sonrası kelamî edebiyatin Türkistan sahasi kaynakları. // Ankara üniversitesi ilahiyat fakültesi. – S. 1-10; Ҳожи Халифа. Кашфу-з-зунун ан асоми-л-кутуб ва-л-фунун: – Байрут: Дору-л-фикр, 1998. – Ж. II. – Б. 3640; Абдулазиз Мансур. Ақоид матнлари. – Тошкент: Тошкент ислом университети нашриёт-матбаа бирлашмаси, 2006. – Б. 10; Yusuf Sevki Yavuz. Ebû Şekûr es-Sâlimî. TDV İA. I, – İstanbul: 2016. – S. 372-375.

сақланаётган қўлёзма ҳамда тошбосма нусхалари ҳақида бирламчи маълумотлар берилган³;

учинчи гуруҳга Абу Шакур Кешийнинг “Тамҳид” асаридаги ақидавий қарашлари умумий таҳлил қилинган илмий мақола ва тадқиқотларни киритиш мумкин. Жумладан, Ибн Обидин, Саййид Али Милоний, Имом Раббоний, Имом Юсуф ибн Умар Кодурий, Нуриддин Али Қорий, Салих Чифт, Саййид Али Милоний, Ҳасан ибн Муҳаммад Аттор каби олимлар ўз китобларида ақидавий масалаларни шарҳлашда бевосита Абу Шакур Кешийнинг қарашларидан фойдаланган бўлсалар⁴, Ж.Карадаш, М.Айкач, М.Небати, У.Садикер, Ш.Н.Аҳиска ўз мақола ва тадқиқотларида алломанинг маълум бир ақидавий мавзулар бўйича фикрларини тадқиқ этишга ҳаракат қилганлар⁵;

тўртинчи гуруҳга бевосита Абу Шакур Кешийнинг “Тамҳид” асарини манбашунослик жиҳатидан диссертация ишига жалб қилган турк тадқиқотчиси Умар Туркменининг илмий ишини киритиш мумкин. 2002 йилда Умар Туркмен Туркиядаги Ҳаррон университети қошидаги Ижтимоий билимлар институтида доктор Бекир Тополўғли раҳбарлигида “Муҳаммад ал-Кешийнинг “Китоб ат-тамҳид фи баёни-т-тавҳид” номли асарининг таҳқиқи, таҳрижи ва таҳлили” мавзусида докторлик диссертациясини ёзган⁶. Ушбу диссертация Туркиядаги “Сулаймония” кутубхонасида сақланаётган “Тамҳид” асарининг учта қўлёзма нусхаси асосида тайёрланган танқидий матндан иборат бўлиб, ушбу танқидий матнни тузишда Туркиядан бошқа давлатлардаги қўлёзма ёки тошбосма нусхалари жалб этилмаган. Диссертацияда илмий-танқидий матнни тайёрлашга асосий эътибор қаратилган бўлиб, унинг тадқиқот қисми 5 саҳифани ташкил этган. Унда

³ Brockelmann С. Geschichte der arabischen Litteratur: – Weimar-Berlin, 1898. – V. I. – S. 744; Ульрих Р. Ал-Мотуридий ва Самарқанд суннийлик илоҳияти. – Тошкент: Имом ал-Бухорий халқаро жамғармаси, 2001. – Б. 123-128; Ulvi Murat Kılavuz. Yeni Bir Neşri Vesilesiyle Ebû Şekûr es-Sâlimî'nin *et-Temhîd*'ine Dair Notlar. İslâm Araştırmaları Dergisi, 38 (2017): – S. 245-255; Оқилов С. Абул-Муин ан-Насафий илмий мероси ва мотуридия таълимоти / Монография. – Тошкент: Фан, 2008. – Б. 66-67.

⁴ Ибн Обидин Муҳаммад ибн Умар. Радду-л-мухтор ала дурри-л-мухтор. – Байрут: Дору-л-фикр, 1992. – Ж. IV. – Б. 199, 242-243; Ал-Милоний ас-Саййид Али. Нафаҳоту-л-азҳар. – Байрут: Дору-л-фикр, 2008. – Ж. XVII. – Б. 208; Имом Раббоний Аҳмад Форукий Сирхиндий. Ал-Мактубот. – Байрут: Дору-л-кутуби-л-илмия, 2015. – Ж. I. – Б. 230; Имом Юсуф ибн Умар ибн Юсуф Кодурий. Жомеу-л-музмарот ва-л-мушқилот фи шарҳи мухтасари-л-Имом ал-Кодурий. – Байрут: Дору-л-кутуби-л-илмия, 2018. – Ж. V. – Б. 160-164; Нуриддин Али Қорий ибн Султон Муҳаммад. Шарху-л-фикҳл-акбар. – Дамашк: Дору-н-нафоис, 2009. – Б. 155; Salih Çift. Modern Anlamda İlk “Bektaşilik Kitabı” Olarak Mir’âtü’l-mekâsîd ve Kaynakları. // Uludağ üniversitesi İlahiyat fakültesi dergisi. Cilt: 15, Sayı: 1, 2006. – S. 187-212; Ҳасан ибн Муҳаммад Аттор. Хошияту-л-Аттор ала шарҳи-л-Жалол ал-Маҳаллий ала жамъи-л-жавомеъ. – Байрут: Дору-л-кутуби-л-илмия, 2012. – Ж. II. – Б. 173.

⁵ Karadaş С. İslam düşüncesinde ahiret hayatı. // Uludağ Üniversitesi İlahiyat Fakültesi. – S. 31-34; Mehmet Ü. Semerkand Bölgesi Hanefî-Maturidi Kelamcılarının Hilafet Nazariyesi: Ebu Şekur es-Salimi Örneği, Orta Asya Âlimlerinin İslam Medeniyetine Katkısı – Uluslararası Sempozyum. Bıřkek: 2018. – S. 123-134; Aykaç M. Ebû Şekûr Es-Sâlimî'nin İmana Dair Bazı Görüşleri // Trabzon İlahiyat Dergisi. 2019/12/30; Mahmut Nebai. Mâtürîdîlik'te kur'an ve sünnet'in belirleyiciliği: bilgi, mucize ve kabir azabi örnekleri // İstanbul üniversitesi sosyal bilimler enstitüsü temel islâm bilimleri anabilim dali doktora tezi. – İstanbul: 2019. – S. 177-189; Sadiker Ö. Hanefî-mâtürîdî gelenekte bid'at mezhepler ve islâm dışı dinler: Ebû Şekûr Es-Sâlimî örneği. Turkish Studies - Social Sciences · January 2019. – S. 2432-2448; Şule Nur Ahıska. Fatih Sultan Mehmet vakif üniversitesi lisansüstü eğitim enstitüsü temel islam bilimleri anabilim dali temel islam bilimleri programı yüksek lisans tezi: Mâtürîdî'nin et-Tevhîd adli eseriyle Sâlimî'nin et-Temhîd adli eserinin mukayesesi ilâhiyyat babı, – İstanbul: 2019. – 119 s.

⁶ Ömer Türkmen. Muhammed el-Kiřşı'nin Kitâbü't-Temhîd fi beyâni't-tevhîd Adlı Eserinin Tahkîk, Tahric ve Tahlili, Doktora Tezi, Harran Üniversitesi, Sosyal Bilimler Enstitüsü, 2002. – 298 s.

“Тамҳид” асарининг калом илми, хусусан, мотуридия таълимоти ривожда тутган ўрни юзасидан бирор фикр билдирилмаган.

Умуман олганда, Абу Шакур Кешийнинг яшаган даври, устозлари ҳамда “Тамҳид” асарининг мотуридия таълимоти ривожда тутган ўрни мавзуси маҳаллий ва хорижий тадқиқотчилар томонидан махсус тадқиқот объекти сифатида ўрганилмаган.

Тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Ўзбекистон халқаро ислом академиясида бажарилган А-1-051 – “Исломшунослик муаммоларини бирламчи манбалар ва аждодларимиз диний-маърифий меросини тизимли таҳлил қилиш асосида ёш авлодда соғлом эътиқодни шакллантириш” мавзуидаги илмий лойиҳаси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади Абу Шакур Кеший “Тамҳид” асарининг мотуридия таълимоти ривожда тутган ўрнини очиб беришдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

XI-XII асрларда Мовароуннаҳрдаги диний-сиёсий жараёнлар ўзгаришининг мотуридия таълимоти ривожига таъсирини ва шу йўналишда ёзилган асарларни аниқлаш;

Абу Шакур Кеший илмий меросига доир тадқиқотлардаги методологик асослар ва ёндашувларни очиб бериш;

алломанинг ҳаёти, илмий фаолияти, сафарлари, устозлари ва яшаган давридаги илмий муҳитини ўрганиш орқали унинг мутакаллим олим сифатида шаклланишига таъсир кўрсатган омилларни ёритиш;

“Тамҳид”нинг қўлёзма ва тошбосма нусхалари асосида асарнинг танқидий матнини яратиш ва ундаги мотуридия таълимотига доир ақидавий масалаларни таснифлаш;

алломанинг ақидавий мавзуларни ёритишдаги услубини аниқлаш;

“Тамҳид” китобидаги ақидавий масалалар далилларининг талқинини очиб бериш;

“имон” ва “такфир” тушунчаларининг мазмун-моҳиятини ёритиш;

асарнинг бугунги кундаги адашган оқимларнинг ғояларига қарши кураш ҳамда ёш авлодни уларнинг ғоявий хуружларидан химоя қилишда тутган ўрни юзасидан тақлиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объектини мотуридия таълимоти ривожда Абу Шакур Кеший илмий меросининг ўрни ташкил этади.

Тадқиқотнинг предмети “Тамҳид” асаридаги мотуридия таълимотига доир қарашлар, уларнинг далиллари ва адашган оқимларга берилган раддиялардан иборат.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертацияда комплекс ёндашув, илмий билишнинг диалектик, тарихийлик, мантиқийлик, анализ, синтез ва қиёсий таҳлил каби тадқиқот усулларидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

XI-XII асрларда ёзилган ақидавий масалаларга оид китоблар орасида “Тамҳид” асарининг тили содда ва услуби энгил бўлгани боис, мотуридия таълимоти асосларининг кенг жамоатчиликка халқчил усулда тарқалишида муҳим ўрин тутгани очиб берилган;

“Тамҳид” асарининг Ўзбекистон ва Туркия кутубхоналарида сақланаётган саккизта қўлёзма ва иккита тошбосма нусхалари асосида илк маротаба арабча танқидий матни яратилган ҳамда ўзбек тилидаги изоҳли таржимаси билан нашр этилган;

Абу Шакур Кеший илк бора ақидавий масалалар борасида оҳод ҳадисларни (حديث الأحاد) уч қисмга, яъни биринчиси – ислом уммати бир овоздан қабул қилган саҳиҳ-оҳод, иккинчиси – ислом умматининг кўпчилиги қабул қилган оҳод, учинчиси – айримлар қабул қилган оҳод ҳадисларга таснифлаб, биринчи ва иккинчи турдаги оҳод ҳадисларни калом илмида татбиқ этгани исботланган;

алломанинг ақидавий масалаларда нотўғри эътиқод қилишни беш турга ажратиш билан бирга ҳар бирининг ҳукми алоҳида бўлишини исботловчи қарашлари аҳли сунна вал-жамоа уламоларининг аксарияти томонидан энг мақбул ёндашув сифатида қабул қилингани далилланган.

Тадқиқотнинг амалий натижаси қуйидагилардан иборат:

Абу Шакур Кеший “Тамҳид” асарининг маҳаллий ва хорижий фондларда сақланаётган қўлёзма ҳамда тошбосма нусхалари аниқланган, улар асосида манбанинг тўлиқ танқидий матни яратилган ҳамда ўзбек тилидаги изоҳли таржимаси чоп этилгани билан далилланган;

“Тамҳид” олимнинг шогирдлари ва яқинлари илтимосига биноан мотуридия таълимоти борасида содда ва энгил услубда адашган оқимларга раддия бериш учун ёзилгани “Абу Шакур Солимий Кеший ва унинг илмий мероси” номли монографияда асосланган;

Фазлуллоҳ Муҳаммад ибн Айюб Моживий (ваф. 666/1268) “ал-Фатово ас-суфия фи тариқи-л-илҳомия” асарининг қўлёзма нусхасида келтирилган далиллар асосида Абу Шакур Кеший “Китобу-л-меърож” номли асар ёзгани аниқланган;

“Тамҳид” асаридан бугунги кунда ҳам ақидавий мавзуларни шарҳлашда фойдаланиш ва ундаги масалалар замонавий ақидапараст оқимларга қарши ғоявий иммунитетни шакллантиришга хизмат қилиши очиб берилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти қўлёзмалар фондида “Тамҳид”нинг 2638, 8736, 4604, 8160, 2418, Туркиянинг “Сулаймония” кутубхонасида 524, 525 ва 2167, “Шеҳид Али Пошо” кутубхонасида 1153, “Роғиб Пошо” кутубхонасида 726 инвентар рақамлари остида сақланаётган қўлёзмалари, 1326/1908 йил Самарқанд шаҳридаги “Демуруф” ва 1309/1891 йил Дехли шаҳрида “Форуқий” босмахонасида нашр қилинган асарининг тошбосма нусхаларидан фойдаланилгани ҳамда тадқиқот натижаларининг амалиётга татбиқ этилгани билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Диссертациянинг илмий таҳлилини ташкил этувчи материаллар ва хулосалардан Ўзбекистон тарихининг ислом таълимоти асослари, ақида илми тарихи, Мовароуннаҳрда калом илмининг ривожланишига оид қисмини тўлиқроқ ёритишда, Ўзбекистон халқаро ислом академияси, олий ва ўрта махсус ислом билим юртлари, Абу Муъин ан-Насафий номидаги Ақида илми мактаби ҳамда Самарқанддаги Калом илми мактабларида “Ақоид” ва “Мотуридия таълимоти ва замонавий ақидавий қарашлар” каби фанларни ўқитишда фойдаланиш мумкин.

Диссертация натижалари амалий аҳамияти Абу Шакур Кешийга бағишланган турли рисоалар, китоблар нашр этиш ҳамда кенг жамоатчиликда “Тамҳид” асарида келган далиллар орқали замонавий ақидапараст оқимларга қарши ғоявий иммунитетни шакллантиришга хизмат қилиши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Абу Шакур Кеший “Тамҳид” асарининг мотуридия таълимоти ривожидида тутган ўрни бўйича олинган илмий натижалар асосида:

XI-XII асрларда ёзилган ақидавий масалаларга оид китоблар орасида “Тамҳид” асарининг тили содда ва услуби енгил бўлгани боис, мотуридия таълимоти асосларининг кенг жамоатчиликка халқчил усулда тарқалишида муҳим ўрин тутгани тўғрисидаги илмий хулосалардан буюртма асосида чоп этилган “Мовароуннаҳрда Мотуридия калом илми мактаби” номли монографияни тайёрлашда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Имом Бухорий халқаро илмий-тадқиқот марказининг 2021 йил 25 июндаги 02/260-сон маълумотномаси). Натижада, олий таълим муассасаларида таҳсил олаётган ёшлар орасида жаҳолат ва илмсизлик ғояларига берилишнинг олдини олиш ҳамда миллий-диний кадриятларга ҳурмат билан ёндашишга хизмат қилган;

“Тамҳид” асарининг Ўзбекистон ва Туркия кутубхоналарида сақланаётган саккизта қўлёзма ва иккита тошбосма нусхалари асосида илк мартаба арабча танқидий матни яратилгани ҳамда ўзбек тилидаги изоҳли таржимаси билан бирга нашр этилгани тўғрисидаги илмий хулосалар буюртма асосида нашр этилган “Абу Шакур Кешийнинг “ат-Тамҳид фи баёни-т-тавҳид” номли китобни тайёрлашда фойдаланилган (Ўзбекистон мусулмонлари идорасининг 2021 йил 25 июндаги 2048-сон маълумотномаси). Натижада, ёшларда анъанавий диний таълим асослари, мотуридия таълимотига доир янги асар билан яқиндан танишиш ҳамда уларда тўғри диний дунёқарашни шакллантириш имкониятини берган;

Абу Шакур Кеший илк бора ақидавий масалалар борасида оҳод ҳадисларни (حديث الأحاد) уч қисмга бўлиб, улардан биринчиси – ислом уммати бир овоздан қабул қилган саҳиҳ-оҳод, иккинчиси – ислом умматининг кўпчилиги қабул қилган оҳод, учинчиси – айримлар қабул қилган оҳод ҳадисларга таснифлаб, биринчи ва иккинчи турдаги оҳод ҳадисларни калом илмида татбиқ этгани тўғрисидаги илмий хулосалардан буюртма асосида

нашр этилган “Абу Шакур Солимий Кеший ва унинг илмий мероси” номли монографияни тайёрлашда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари бўйича қўмитанинг 2021 йил 28 июндаги 02-03/4135-сон маълумотномаси). Натижада, ушбу китобда тақдим қилинган маълумотлар фуқароларнинг замонавий оқимларнинг ёт ғояларига қарши раддиялар беришига хизмат қилган;

алломанинг ақидавий масалаларда нотўғри эътиқод қилишни беш турга ажратиш билан бирга ҳар бирининг ҳукми алоҳида бўлишини исботловчи қарашлари аҳли сунна вал-жамоа уламоларининг аксарияти томонидан энг мақбул ёндашув сифатида қабул қилингани тўғрисидаги илмий хулосалардан буюртма асосида “O‘zbekiston tarixi” телеканалининг “Буюк юрт алломалари” кўрсатуви сценарийсини тайёрлашда фойдаланилган (Ўзбекистон миллий телерадиокомпаниясининг 2021 йил 16 июндаги 02-10-1012-сон маълумотномаси). Натижада, фуқароларнинг аجدодлар илмий меросига доир янги илмий маълумотлар билан танишиши, тарихий билимларининг ошиши ва уларда миллий ғурур туйғусининг мустаҳкамланишига асос бўлган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Диссертация натижалари 3 та халқаро ва 8 та республика илмий-амалий конференциясида муҳокамадан ўтказилган.

Натижаларнинг эълон қилинганлиги. Тадқиқот мавзуси бўйича 23 та илмий иш, жумладан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этишга тавсия этилган илмий нашрларда 10 та мақола, улардан, 2 таси хорижий журналларда чоп этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, учта боб, хулоса, фойдаланилган манба ва адабиётлар рўйхати ҳамда иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 137 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида мавзунинг долзарблиги асосланиб, тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари, ўрганиш объекти ва предмети аниқланган. Тадқиқотнинг фан ва технологиялар тараққиётининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилиб, ишнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган. Олинган натижаларнинг ишончлилиги асосланган ҳолда уларнинг назарий ва амалий аҳамияти очиб берилган. Тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиниши, ишнинг апробацияси натижалари, эълон қилинган ишлар ва диссертациянинг тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **“XI-XII асрларда мотуридия таълимоти ривожини тадқиқ этишнинг назарий асослари”** деб номланган биринчи бобида XI-XII асрларда Мовароуннаҳрдаги диний-сиёсий жараёнларнинг мотуридия таълимоти ривожига таъсири ва Абу Шакур Кеший илмий меросини ўрганишнинг методологик асослари ёритилган.

Биринчи бобнинг “*XI-XII асрларда Мовароуннаҳрдаги диний-сиёсий жараёнларнинг мотуридия таълимоти ривожига таъсири*” номли бандида минтақада ҳукмронлик қилган Қорахонийларнинг мусулмон уламолари билан самимий алоқа ўрнатиб, уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаганлари ҳақида маълумотлар келтирилган. Диний ҳаётда ислом дини давлат мафкураси даражасига кўтарилиб, ҳокимиятнинг мустаҳкамлиги ва ғоявий бирлиги учун Қорахоний ҳукмдорлари уламолар билан дўстона муносабатда бўлишга интиланлар. Шу сабабдан имомлар, саййидлар, шайхлар ва садрларга эътибор кучайиб, уларнинг обрўси ошган. Бу даврда Мовароуннаҳрда диндорларга ва диний идораларга тегишли вақф ерлари ҳам анча кенгайган. Бу эса диний-сиёсий ҳаётда мусулмон уламоларининг ўрни юксак бўлганига далолат қилади.

Насаф воҳасидан етишиб чиққан Абул Юср Муҳаммад Паздавий (421-493/1030-1100), Фахрулислом Паздавий (ваф. Кешда 482/1089) ва Абул Муин Насафий (437-508/1046-1114), Нажмиддин Абу Ҳафс Насафий (ваф. 537/1143) каби машҳур мутакаллим уламоларнинг ғарбий қорахонийлар давлатининг пойтахти Самарқандга кўчиб ўтиши ханафий мазҳаби ва мотуридия таълимотининг ривожланишини сезиларли даражада ижобий тарафга ўзгартирди. Улар ўша даврдаги адашган турли фирқа ва оқимларга қарши кураш билан бир қаторда шофеъий-ашъарийларнинг ханафийлар таълимотига қарши қаратилган фаолияти билан рақобат қилишда жонбозлик кўрсатганлар⁷.

Абу Шакур Кеший ўз илмий фаолиятини олиб борган даврда Мовароуннаҳрда қорахонийлар ва салжуқийлар ўртасидаги кескин курашлар ва сиёсий жараёнлар икки фикҳий мазҳаб – ханафий ва шофеъий уламоларининг ўрталарида ўзаро илмий рақобатни келтириб чиқарган. Ханафий уламолар қаторида Абу Шакур Кеший Имом Мотуридий фикрларини қўллаб-қувватлаган. Шофеъий уламолари эса бу ҳудудда ҳали кенг тарқалмаган Абул Ҳасан Ашъарийнинг таълимотини ёйишга ҳаракат қилганлар. Шофеъий уламоларнинг Мовароуннаҳрда фаолият олиб боришлари салжуқийларнинг бу ўлкада тутган мавқелари билан бевосита боғлиқ бўлган.

535/1141 йилда Салжуқийлар ҳукмдори Султон Санжар билан бирга Самарқандга келган Сийстон вилояти ҳокими Амир Абулфазл шаҳар уламолари, қози ва шайхлари билан бўлган мажлисда улардан аҳли сунна вал-жамоа эътиқоди бўйича бир рисола ёзиб беришни илтимос қилган. Рисола тайёр бўлгач, барча уламолар ўз розилиklarини имзолари билан тасдиқлашларини сўраган. Амир Абулфазл уламолар иттифоқи асосида ёзиладиган рисолани ўз юртига олиб боришини ҳамда ундаги ақидавий қарашларга зид гапирган кишини жазога тортишини айтган. Мажлисда иштирок этган уламолар бунга розилик билдирганлар ҳамда ҳамма бир овоздан мазкур рисолани ёзишга Имом Абу Ҳафс Насафийни муносиб деб билганлар. Уламолар рисола тайёр бўлгач, уни тасдиқлашга розилиklarини

⁷ Оқилов С. Абул-л-Муин ан-Насафий илмий мероси ва мотуридия таълимоти / Монография. – Тошкент: Мухаррир, 2008. – Б. 65-66.

билдирганлар⁸. Ушбу ҳолат XII асрда ақидавий масалалар, хусусан, мотуридия таълимотига оид рисоалар ёзишга давлат даражасида эътибор қаратилганига далолат қилади.

XI-XII асрларда Мовароуннаҳрда мутакаллим уламолар томонидан мотуридия таълимотининг эътиқодий қарашларини акс эттирувчи “Усулу-д-дин”, “Табсирату-л-адилла”, “ат-Тамҳид ли қавоиди-т-тавҳид”, “Баҳру-л-калом”, “Лубабу-л-калом”, “Китобу-л-мисдоқ”, “ал-Қасидату-л-ломия фи-т-тавҳид”, “ал-Мунозарот”, “Китобу-л-бидоя мина-л-Кифоя фи-л-ҳидоя фи усули-д-дин”, “ал-Кифоя фи-л-ҳидоя”, “Ақидату-с-Собуний”, “ал-Муғний фи усули-д-дин”, “ал-Мунтақо мин равзати-л-мутакаллимин”, “Усулу-т-тавҳид” каби асарлар ёзилган.

Биринчи бобнинг “*Абу Шакур Кеший илмий меросини ўрганишининг методологик асослари*” бандида тўрт йўналишдаги манбалар ва адабиётлар таҳлил этилган: биринчиси – мумтоз манбалар ҳамда замонавий араб тилидаги адабиётлар, иккинчиси – турк олимларининг тадқиқотлари ва илмий мақолалари, учинчиси – Европа шарқшуносларининг тадқиқотлари, тўртинчиси – ўзбекистонлик олимларнинг илмий ишлари. Олимнинг илмий меросини ўрганиш турли давр ва минтақаларда ўзига хос ёндашувлар билан амалга оширилган.

Алломанинг “Китобу-л-меърож” асари ҳақида энг биринчилардан бўлиб маълумот берган олим Фазлуллоҳ Муҳаммад ибн Айюб Моживий (ваф. 666/1268) саналади. У “ал-Фатово ас-суфия фи тариқи-л-илҳомия” номли китобида “Китобу-л-меърож”нинг таркибий тузилиши ва фасллари ҳақида тўлиқ маълумот берган⁹.

Имом Раббоний (971-1033/1564-1624) “ал-Мактубот” асарида умавий халифа Муовия ҳақидаги ақидавий мавзуни ва Нуриддин Мулла Али Қорий (ваф. 1014/1606) “Шарҳул-фикҳи-л-акбар” китобида мўмин киши катта гуноҳ қилиш билан кофир бўлмаслиги масаласини ёритишда айнан Абу Шакур Кешийнинг “Тамҳид”идан иқтибослар келтириши асарнинг мотуридия таълимотига оид муҳим манба эканига далолат қилади.

Шофеъий мазҳаб олими Ҳасан ибн Муҳаммад Аттор (1180-1250/1766-1835) “Ҳошияту-л-аттор ала шарҳи-л-Жалол ал-Маҳаллий ала жамъи-л-жавомеъ” номли асарида адашган фирқа ва оқимларнинг йўналишлари, уларнинг тавбаси қабул қилиниши ёки қилинмаслиги каби ақидавий масалалар борасида Абу Шакур Кешийнинг қарашларини аҳли сунна вал-жамоа наздида энг мақбул ёндашув сифатида қабул қилган. Алломанинг такфир масаласи бўйича қарашлари бошқа мазҳаб уламолари томонидан ҳам қабул қилинганини алоҳида қайд этиш лозим.

Европалик шарқшунослар Абу Шакур Кешийнинг “Тамҳид” асарининг калом илми ривожигаги роли ҳақида тўхталганлар. Жумладан,

⁸ Умар Жўё Муҳаммад. Нусхаи форсийи “Ақоиди Насафий” ё баёни эътиқоди аҳли суннат ва жамоат дар муқояса ва муқобала бо нусхаи арабийи “ал-Ақоид ан-Насафий”. – Техрон: Баййинот, 2021. – Б. 6.

⁹ Фазлуллоҳ Муҳаммад ибн Айюб Моживий. ал-Фатово ас-суфия фи тариқи-л-баҳоия. – Истанбул: Муфтийлик кутубхонаси. – Қўлёзма №: 340. 297/511: – В. 11^а, 20^а.

К.Броккельман, К.Жиллот, У.Рудольф ва А.Бродерсен каби Ғарб шарқшунослари ўз тадқиқотларида Абу Шакур Кешийни мотуридия таълимоти ривожидан тутган ўрнини кўрсатиб беришга ҳаракат қилганлар ва “Тамҳид”ни Имом Мотуридийнинг “Китобу-т-тавҳид” асаридан кейин иккинчи асосий манба эканини эътироф этганлар¹⁰. Абу Шакур Кеший илмий меросини тадқиқ этган мазкур шарқшунослар услублари ўзига хос бўлиб, аксарият илмий ишларида тарихий-қиёслаш усулидан фойдаланганлар ва академик даражада объектив ёндашишга ҳаракат қилганлар. Улар алломанинг илмий меросига етарлича баҳо бериш ва мотуридия таълимоти ривожидан тутган ўрнини кўрсатишга ҳаракат қилганлар.

Аллома илмий меросини ўрганиш бўйича туркиялик замондош олимлар самарали илмий ишлар олиб борганлар. Замонавий турк тадқиқотчиларидан С.Кутлу, Ю.Ш.Клауз, У.М.Килавуз, Ж.Карадаш, У.Меҳмет, М.Айкач, М.Небати, У.Садикер, Ш.Н.Аҳиска Абу Шакур Кеший илмий меросини ўрганишда мантиқийлик, қиёсий таҳлил асосида хулосалар чиқарганлар. Турк тадқиқотчиларининг кўпчилиги аллома илмий меросини ва унинг мотуридия таълимоти ривожидан тутган ўрнини ўрганишда ретроспектив, яъни масалага тарихий ёндашиш, тарихийлик методига асосланганлар.

Аллома илмий меросини ўзбекистонлик уламолар ва тадқиқотчилар ўрганганлар. Жумладан, Шайх Абдулазиз Мансур “Ақоид рисолалари” китобининг муқаддима қисмида Абу Шакур Кешийнинг мотуридия ақидасига оид “Тамҳид” китоби, унинг қўлёзма ва тошбосма нусхалари бугунга қадар етиб келгани ҳақида маълумот берилган¹¹. А.Мўминов ва С.Оқилов тадқиқотларида Абу Шакур Кешийнинг яшаган даври ва “Тамҳид” асари диний таълим даргоҳларида ўқув қўлланма сифатида фойдаланилгани ҳақида тўхталганлар¹². Юқоридаги тадқиқотларни ўрганиш натижасида “Тамҳид” асарининг мотуридия таълимоти ривожидан тутган ўрнини очиқ берадиган комплекс тадқиқот олиб борилмагани маълум бўлди.

Диссертациянинг “Абу Шакур Кеший “Тамҳид” асарида мотуридия таълимотининг акс этиши” деб номланган иккинчи бобида Абу Шакур Кешийнинг мутакаллим аллома сифатида шаклланишига таъсир кўрсатган омиллар, “Тамҳид” асарида ақидавий масалалар таснифи, алломанинг ақидавий мавзуларни ёритишдаги услуби ва таянч манбалари каби масалалар ёритилган.

Бобнинг “Абу Шакур Кешийнинг мутакаллим олим сифатида шаклланиши” номли бандида “Тамҳид” асарининг қўлёзма ва тошбосма нусхалари, биографик манбаларга таянган ҳолда олимнинг тўлиқ исмига

¹⁰ Brockelmann C. Geschichte der arabischen Litteratur: – Weimar-Berlin, 1898. – Ж. I. – S. 744.; Gilliot C. La théologie musulmane en Asie centrale et au Khorasan Author. Reviewed work(s): Source: Arabica, T. 49, Fasc. 2 (Apr., 2002), pp. 160-161; Brodersen A. Zwischen Mâtūrīdīya Und Aṣ‘arīya Abū Ṣakūr as-Sâlimī Und Sein Tamhīd fī Bayân al-Tavhīd. - Gorgias Press LLC, 2018.

¹¹ Шайх Абдулазиз Мансур. Ақоид матнлари. – Тошкент: Тошкент ислом университети нашриёт-матбаа бирлашмаси, 2006. – Б.10.

¹² Муминова А. Роль и место ханафитских ‘уламā’ в жизни городов Центрального Мавараннахра (II-VII/VIII-XIII вв.): Дисс. ... докт. ист. наук. – Ташкент: ТИУ, 2003. – С. 59.

аниқлик киритилди. Унга кўра, алломанинг тўлиқ исми – Абу Шакур Муҳаммад ибн Абдуллоҳ ас-Саъид ибн Шуайб ал-Кеший ас-Солимий ал-Ҳанафий ал-Кашфийдир.

Аллома Кеш воҳасида V/XI асрнинг биринчи ярмида туғилган. Зеро, алломанинг ўзи “Тамҳид” асарида 470/1077 йилларда Шайхулислом Имом Зоҳид Абу Бакр Муҳаммад ибн Ҳамза ибн Муҳаммад Хатиб Самарқандийдан (ваф. 491/1098) таълим олиб, унинг ҳузурида фақиҳлик даражасига етганини қайд этган¹³. Олим 460/1068 йилларда Самарқандда ушбу устози олдида “Китобу-с-сариқа” (Ўғрилик китоби) ва бошқа фикҳий мавзуларда сабоқ олганини айтиб ўтган. Бу маълумот алломанинг калом илмидан бошқа фанларда ҳам етук олим бўлганига далолат қилади. Зеро, ислом анъанасига кўра, бирор киши фақиҳлик даражасига етиши учун кўп илмларни пухта эгаллаши шарт ҳисобланади.

Абу Шакур Кешийнинг устози Хатиб Абу Бакр Муҳаммад Самарқандийнинг ҳовлиси ўша даврда талабалар учун мадраса бўлиб хизмат қилгани қайд этилган. Абу Ҳафс Умар Насафий “ал-Қанд” асарида зикр қилишича, машҳур қорилардан Абу Ҳафс Умар ибн Муҳаммад Асадободий 457/1065 йили мазкур ҳовлида талабаларга қироат илмидан ва Шайх Умар ибн Муҳаммад Кушоний Асадободий ҳадис илмидан таълим берганлар¹⁴.

“Тамҳид”да ақидавий масалаларнинг таснифи” номли бандда асарнинг ёзилиш сабаби, таркибий тузилиши, мавзуларнинг мантиқий изчиллик тартибида жойлаштирилиши ва бобларда тўғри акс этиши, қисқа ва лўнда шаклда ёритилиши билан ўз даврида ёзилган калом илмига оид китоблардан афзаллик жиҳатлари очиб берилган.

Тадқиқот жараёнида Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти фондида Абу Шакур Кеший “Тамҳид” асарининг 2638, 8736, 4604, 8160, 2418 инвентар рақамлари остида сақланаётган бешта қўлёзма нусхалари ва 1908 йил Самарқанд шаҳри “Демурф” матбаасида 11455 ва 1892 йил Деҳли шаҳрида “Форуқия” матбаасида чоп этилган 14315 инвентар рақамлари остида сақланаётган тошбосма нусхалари ҳамда Туркиядаги “Сулаймония” кутубхонасида 524, 525 ва 2167 инвентар рақамлари остида сақланаётган қўлёзма нусхалари аниқланган. “Тамҳид” асарининг мазкур саккизта қўлёзма ва иккита тошбосма нусхалари асосида танқидий матн яратилган. Диссертацияда мазкур матн асосида ақидавий масалалар таснифланган. Арабча танқидий матн билан бирга ўзбек тилидаги изоҳли таржимаси ҳам амалга оширилиб, нашр этилган.

“Тамҳид”да ақидавий масалаларнинг аниқлик ҳамда мантиқий изчиллик билан таснифланиши муаллифнинг калом илми борасидаги илмий салоҳиятини ва иқтидорини кўрсатади. Асар мумтоз калом илмига оид манба сифатида уч асосий қисм – илоҳиёт, нубувват ва самъийёт масалаларини

¹³ Абу Шакур Муҳаммад ибн Абдуссаид ибн Шуайб Солимий Кеший Макшифий. Ат-Тамҳид фи баъни-т-тавҳид. – Самарқанд: Демуруф, 1908. – Б. 393-394.

¹⁴ Абу Ҳафс ан-Насафий. Ал-Қанд фи зикри уламои Самарқанд / Таҳқиқ: Назар Муҳаммад ал-Фарёбий. – Саудия Арабистони: Мактабату-л-Кавсар, 1991. – Б. 348.

қамраган. Асарда ақл ва ҳис қилиш мавзуларига ҳам ўрин ажратилган. Шунингдек, аллома асарнинг охириги бобларида асосий масалаларга қўшимча равишда аҳли сунна вал-жамоанинг хусусиятлари, адашган фирқа вакилларига раддиялар ва бошқа динларга доир мавзуларга ҳам тўхталиб ўтган¹⁵.

Асарда ақидавий масалалар билан бирга насронийлик, яҳудийлик, мажусийлик каби бошқа динларнинг оқимлари ва уларнинг эътиқодий қарашларига ҳам тўхталиб ўтилган. Бу ҳолат талабалар учун ислом дини ақидалари билан танишиш билан бирга бошқа динларнинг асосий эътиқодий қарашларидан хабардор бўлиш имконини берган.

Иккинчи бобнинг “*Алломанинг ақидавий мавзуларни ёритишдаги услуби*” номли бандида муаллиф асарни ёзишда энгил ва содда жумлаларни қўллагани очиб берилган. Одатда калом илмига оид асарлар қийин ва мураккаб услубда ёзилади. Айрим ҳолларда эса мантикий қоидаларга катта ўрин ажратилади. Бу услуб талабалар томонидан ақидавий мавзуларни осон шаклда ўзлаштирилишига тўсқинлик қилади.

Аллома асарнинг кўпгина ўринларида ақидага оид бирор савол ташлаб, бу борада турли фирқа ва оқимларнинг қарашларини зикр қилади ҳамда аҳли сунна вал-жамоа вакили сифатида жавоб беради. Жумладан, ақлли киши Яратувчисини таниши борасида қуйидаги саволни ўртага ташлайди: “Агар бир киши олис тоғ ёки кимсасиз оролда туғилиб, оқил одамни кўрмай балоғатга етса ва бирорта диндан хабари бўлмаса, Яратувчини танишда далил талаб қилмаса, нафсига фойдали ишлардан ташқари ундан ақлли ва мажнун кишига хос ҳатти-ҳаракат содир бўлмаса, унинг ҳукми қандай?” Муаллиф ушбу саволга мотуридия таълимоти қарашларига кўра, мазкур ҳолатдаги киши Яратувчини таниш борасида узрли бўлишини айтади. Ўз навбатида агар у ширк келтирса ёки бирор ботил динга эътиқод қилса, узрли бўлмаслигини таъкидлайди. Одатда савол-жавоб услуби мавзуни талабалар томонидан яхши ўзлаштиришга ёрдам берувчи омиллардан саналади.

Муаллиф ақидавий масалалар бўйича бевосита турли адашган оқим вакиллари билан олиб борган баҳс-мунозаларини ҳам асарда бериб ўтган. Зеро, мунозара орқали тақдим қилинадиган фикрлар ва далиллар ақида илмини ўрганувчиларга кучли таъсир этади.

Абу Шакур Кеший “Тамҳид” асаридаги ақидавий масалалар баёнида Қуръон оятлари, Пайғамбар (с.а.в.) ҳадислари, саҳобий, тобейй ва табаъа тобеин сўзлари, Абу Ҳанифа, Абу Юсуф, Муҳаммад ибн Ҳасан, Молик ибн Анас, Муҳаммад ибн Идрис Шофеъий каби машҳур уламолардан эътиқодий мавзуларда нақл қилинган ривоятлар асосида ёритиб берган. Қуръон оятлари ва ҳадислар бирламчи далиллар сифатида келтирилгандан кейин эса ақидавий масалалар борасидаги саҳобалар, тобейй ва табаа тобеинлар сўзлари ҳам қўшимча ҳужжат сифатида олинган.

Аллома “Тамҳид” асарини ёзишда Абу Ҳанифанинг “ал-Фикҳул-акбар”, “ал-Васият”, Муҳаммад ибн Ҳасаннинг “ал-Жомеу-л-кабир”, Абу Мутеъ

¹⁵ Абу Шакур Кеший. Тамҳид. – Б. 276-385.

Балхийнинг “Китобу-л-олим ва-л-мутааллим”, Имом Мотуридийнинг “Китобу-т-тавҳид” ва “Таъвилу-ту аҳли сунна вал-жамоа” каби мўътабар манбалардан истифода этган. Абу Шакур Кеший “Тамҳид”да ақидавий мавзуларга оид Қуръон оятларини тафсир қилиш ва ҳадисларнинг маъноларини шарҳлашдаги услуби унинг тафсир ва ҳадис илмида етук аллома бўлганини кўрсатади.

Муаллиф ашъария таълимотининг эътиқодий қарашларига муносабат билдиришда Абул Ҳасан Ашъарийнинг “Мақолоту-л-ислабийин”, “Китобу-л-лумаъ”, Боқилонийнинг “ал-Инсоф фи асбоби-л-хилоф” ҳамда Имомулҳарамайн Жувайнийнинг “ал-Иршод” асарларидан унумли фойдаланган. Мўътазилийларнинг эътиқодий қарашларини баён қилишда V/X асрда мазкур фирқа бошлиғи бўлган Қози Абдужабборнинг “Шарҳу усули-л-хамса” ва “Муташибеҳу-л-Қуръон” асарларига мурожаат қилган.

Диссертациянинг **““Тамҳид” асарининг замонавий ақидавий масалалар ечимидаги аҳамияти**” деб номланган сўнгги учинчи бобида “Тамҳид” асаридаги ақидавий масалалар далилларининг талқини, “имон” ва “такфир” тушунчаларининг таҳлили, асарнинг адашган оқимлар ғояларига қарши курашда тутган ўрни каби масалалар ёритилган.

Мазкур бобнинг *“Тамҳид” китобида ақидавий масалалар далилларининг талқини*” номли бандида мотуридия таълимотига кўра, инсонда илм ҳосил қилиш воситалари – соғлом ҳис аъзолари, рост хабар ва ақл экани кўрсатиб берилган. Инсон муайян илмларни эгаллашда бешта соғлом ҳис аъзолари восита бўлиши таъкидланган¹⁶.

Рост хабарнинг икки тури – мўъжиза билан қўллаб-қувватланган Пайғамбар хабари ва мутаботир хабар илм ҳосил қилиш воситаси экани ақлий ва мантиқий далиллар билан очиб берилган¹⁷. Адашган фирқаларнинг оҳод ҳадиснинг шаръий далил эканини инкор қилиши оқибатида “қабр азоби”, “инсонлар маҳшаргоҳга тўпланиши”, “бандаларнинг амаллари тарозуда ўлчаниши”, “сирот кўприги” каби ақидавий масалалардаги асосий хатолар очиб берилган.

Калом илмидаги энг муҳим мавзулардан бири инсон ўз Яратувчисини таниш қандай йўл билан ҳосил бўлишидир. Бу борада ислом динига мансуб фирқалар асосан уч хил қарашга эга. Биринчиси – мўътазилийлар қараши бўлиб, уларнинг эътиқодига кўра, ақл ўз эгасига Яратувчисини танишни ва Унга имон келтиришни лозим қилади. Ашъария таълимоти асосчиси Абул Ҳасан Ашъарий фикрига кўра, Яратувчини таниш шаръий далилни эшитиш орақали вожиб бўлади. Бу борада ақлнинг бирор бир ўрни йўқ эканини айтади. Мотуридия таълимотига кўра, Аллоҳ ақл воситасида танилади.

Мотуридия таълимотида ақл Яратувчини таниш воситаси экани нақлий ва ақлий далиллар орқали исботланган. Инсонларга ақл берилгани боис қилган хатти-ҳаракатлари ва гапирган сўзларига масъул бўлиши очиб берилган.

¹⁶ Абу Шакур Кеший. Тамҳид. – Б. 46.

¹⁷ Қаранг: Аллома Муҳаммад Абдулазиз Фарҳорий. Ан-Ниброс шарҳу шарҳи-л-ақоид ан-насафия. – Карачи: Ал-Бушро, 2015. – Б. 84-102.

Диссертацияда ақидавий масалаларда фақатгина қатъий далиллар ҳужжат сифатида қабул қилиниши асосланган. Абу Шакур Кеший маъноси очиқ-ойдин оятлар, мутавотир ҳадислар ва умматнинг ижмоси қатъий далил ҳисобланагини исботлаб берган.

Олим оҳод ҳадисларнинг ақидавий масалаларда ҳужжат бўлиш борасидаги мазҳаблар ўртасидаги ихтилофларга барҳам берган. Оҳод ҳадисларни уч қисмга бўлиб, улардан ҳар бирининг даражаси ва ҳукмини баён қилган. Биринчиси – барча мусулмонлар бир овоздан қабул қилган ва саҳиҳлигига ижмо қилган оҳод ҳадис, иккинчиси – кўпчилик томонидан қабул қилинган оҳод ҳадис, учинчиси – айримларгина қабул қилган оҳод ҳадис. Булардан биринчи ва иккинчи турдаги оҳод ҳадислар ақидавий масалаларда далил сифатида олинини мисоллар асосида ёритилган.

